ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

30 апрель, пайшанба 1998 йил №50 (552)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

**Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси ўн биринчи сессиясининг очилиши тўғрисида**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 30 апрель куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига**

Депутатлар 30 апрель куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

## МДҲ: НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

**29 апрел, МОСКВА.(ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).** Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Москвага келди. Москва аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия ҳукумати раисининг ўринбосари Рамазон Абдулатипов, Ўзбекистоннинг Россиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шомансур Шохалилов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Бугун эрталаб Ислом Каримов Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаковни қабул қилди. Мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган масалалар, хусусан, МДҲ доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Кремлда МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари Кенгашининг ёпиқ мажлиси бўлди. Сўнг саммит қатнашчилари ва уларга ҳамроҳлик қилаётган расмий делегациялар вакиллари иштирокида ялпи мажлис бўлиб ўтди. Унда МДҲ доирасида имзоланган ҳужжатларнинг самарадорлигини ошириш, Ҳамдўстлик фаолиятини барча аъзо давлатлар манфаати нуқтаи назаридан яхшилаш, хавфсизлик ва барқарорлик, шунингдек, иқтисодий интеграция масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султоновни МДҲ мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари Кенгашининг раиси этиб тайинлашга келишиб олинди. Россия Федерацияси хавфсизлик кенгаши котибининг собиқ ўринбосари Борис Березовский МДҲ ижроия кенгашининг раиси этиб тайинланди.

Шу билан МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги саммити ниҳоясига етди.

/ЎзА/

*Иқтисодиёт янгиликлари*

## Плёнка йиғадиган мослама





***Тан олиш керак. Ҳар қандай янгиликнинг ишлаб чиқаришдан ўз ўрнини топиши осон кечмайди. Пахтачиликда қўлланилаётган чигитни плёнка остига экиш усулининг деҳқон учун қанчалик манфаатли эканлигини энди-энди ҳис этмоқдамиз. Албатта, ҳар қандай янгилик бойитилиб, мукаммаллаштирилиб борилиши лозим. Буни яхши англаган Андижон вилояти ҳокимлиги вилоятдаги инженер-техник ходимларга мурожаат этиб, плёнкаларни йиғиб оладиган мослама яратиш юзасидан танлов эълон қилганди. Бу танловда иштирок этган Шаҳрихон туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалиги механиги Кимсанали Эргашев ана шундай мослама яратишга муваффақ бўлди. Бу мослама хўжалик даласида синовдан муваффақиятли ўтди. Янги мослама ғўза ниҳолларига зарар етказмаган ҳолда плёнкани йиғиштириб олади.***

**Суратларда: ихтирочи Кимсанали Эргашев ўзи яратган мослама билан. Плёнкани йиғиш пайти.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

**Хитой Халқ Республикаси Португалия тасарруфида бўган Макао оролини 1999 йилда ўз таркибига қўшиб олишга ҳозирлик кўрмокда. Шу муносабат билан Пекинда Хитой парламентининг доимий қўмитаси сессияси бўлиб ўтмокда. Унда Макао маъмуриятини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилади. Маъмуриятга Хитой тарафидан 40 нафар, Макао томонидан эса 60 нафар вакил киритилади.**

* * *

Канада Бош вазири Жан Кретьен Кубага ташриф буюрди. Канада Бош вазири Куба раҳбари Фидель Кастро билан бўлган музокараларда Куба қамоқхоналаридаги сиёсий маҳбусларни озод этиш масаласини кўндаланг қўйди. Маълум бўлишича, ҳозир Кубада 300 дан зиёд сиёсий маҳбуслар бор экан.

* * *

**Америка Қўшма Штатларининг БМТ даги вакили Билл Ричардсоннинг баёнотига кўра, Ироқ раҳбарияти асосий ҳарбий иншоотлар - президент саройларини халқаро экспертлар гуруҳига кўрсатишга розилик берган бўлса-да, ҳали ўзининг кимёвий ва бактериологик қуроллари ҳақидаги ҳужжатларини мазкур гуруҳга тақдим этганича йўқ. Шундай экан, Ироққа нисбатан жазо чораларини қўллаш талаби ўз кучини йўқотгани йўқ.**

* * *

Босниянинг Дрвар шаҳрида кескин ҳолат юзага келди. У ерда этник низолар асосида қуролли тўқнашувлар содир бўлмоқдап. Сараеводан олинган хабарларга кўра, шаҳарда полиция назорати кучайтирилган. Бунинг учун Босниядаги БМТ ҳарбий кучлари ҳам жалб этилган.

* * *

12 кишидан иборат гуруҳ Покистонда яшириниб юрган Саудия Арабистони фуқароси — миллиардер Осам бин Ладенни қўлга олиш учун Америкадан Исломободга келди. Осам бин Ладен Саудия Арабистонида жойлашган АҚШ ҳарбий хизматчиларининг ўлимида айбланмоқда.

* * *

**Германия полицияси мамлакатга ноқонуний йўл билан гиёҳванд модда олиб кирган беш нафар Эрон фуқаросини қўлга олди. Текширишлар натижасида жиноятчилар ёнидан қиймати қора бозорда 1,4 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 258 килограмм оғу топилган.**

* * *

Миср президенти Ҳусни Муборак Исроил бош вазири Беньямин Нетаньяху билан учрашди. Мулоқот чоғида асосан Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш муаммолари муҳокама этилган. Сиёсатдонлар мазкур учрашув Яқин Шарқ можароларининг ечим топишига омил бўлади, деб баҳоламоқдалар.

* * *

**Рио-де- Жанейрода кардиологларнинг Бутунжаҳон 13-конгресси бошланди. Унда дунёнинг 80 мамлакатидан келган 15 мингга яқин соҳа мутахассислари қатнашмоқда. Иштирокчилар юрак-қон томир хасталикларини даволаш муаммолари борасида ўзаро фикр алмашадилар.**

* * *

Австралияда 4 киши ҳаётдан бевақт кўз юмган, икки киши оғир жароҳатланган. «Цесна-210» русумли шахсий самолёт ҳалокати туфайли қурбон бўлганлар об-ҳаво ёмонлигига қарамай ҳаво саёҳатига чиққанлар. Натижада, қалин туман туфайли йўлдан адашиб, денгиз соҳилидаги қояга бориб урилганлар.

**Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.**

*Олий Мажлиснинг XI сессияси кун тартибидаги масалалар*

## АСОСЛИ ВА ИШОНЧЛИ БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили ҳузурида Инсон конституцион ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича Комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили С.Рашидова маъруза қилди.

Мазкур мажлис Олий Мажлиснинг XI сессиясига қўйиладиган масалаларга бағишланди. Йиғилишда юқорида таъкидланган комиссия, инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил котибияти, шунингдек жамоат ташкилотлари, ноҳукумат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

С.Рашидова йиғилиш қатнашчиларини Омбудсманнинг 1997 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари билан таништирди. Унга мурожаат этган фуқаролар шикоятларини кенг таҳлил этди, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ташкилий-ҳуқуқий ҳимояси механизмини янада такомиллаштиришнинг заруратига эътиборни қаратди.

Мажлисда Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил ишининг ташкилий томонлари, Вакилнинг инсон ҳуқуқларига доир қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини олиб бориш соҳасидаги фаолияти, фуқаролар шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш борасидаги иши, ахборот-маърифат соҳасидаги ва тахлилий фаолияти, ноҳукумат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалари, халқаро ҳамкорлик соҳасидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи билан кенг танишилди.

Музокараларда қатнашган мазкур комиссия аъзолари Д.Ғуломова, И.Савельева, шунингдек инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А.Саидов, «Экосан» жамғармасининг раиси Ю.Шодиметов ва бошқа кишилар республикада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Омбудсман институтининг тутган ўрни ва аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтдилар, Вакилнинг 1997 йилдаги фаолиятини маъқулладилар ва унинг ишини бундан кейин ҳам такомиллаштириб бориш юзасидан таклифларини билдирдилар.

Муҳокама давомида Вакилнинг фуқароларнинг аниқ шикоятлари бўйича хулосалари масаласида Вакил ҳузуридаги эксперт кенгаши аъзолари сўзга чиқдилар. Улар хулосалар чиқариш иш тажрибаси, уларнинг ҳуқуқий нуқтаи назардан асослилиги ва ишончлилиги, ҳуқуқ бузиш ҳолларини қайта тиклаш мақсадида фуқаролар шикоятларини ҳал этиш усуллари ҳақида гапирдилар.

**Б.ПЎЛАТОВ.**

*Шарҳловчи нигоҳи*

## «ТЎРТЛИК»КА ҚЎШИЛГАН БЕШИНЧИ МУАММО

МДҲнинг истиқболи сўнгги пайтда жиддий муҳокамага сабаб бўлмоқда. Уни низомига мувофиқ Ҳамдўстлик кўринишида сақлаб қолиш, иқтисодий ҳамкорлик тарафдорлари кимлару ҳарбий-сиёсий иттифоққа айлантиришни мақсад қилиб олганлар ким - кескин ажралиб қолмоқда. Айниқса давлатлар устидан суверинететни чекловчи турли сиёсий маҳкамаларни ва «иттифоқ»ларни тузиш сиёсати очиқ айтганда, МДҲ умрига зомин бўлмоқда.

МДҲ давлат бошлиқларининг олий даражадаги учрашувидан бир кун аввал ўтган давлатлараро божхона иттифоқи кенгаши мажлисида бир қатор қарорларга келинганки, айни шу мазмундаги битимлар МДҲ доирасида имзоланган ёки худди шу масалаларни Ҳамдўстлик орқали бемалол ҳал қилса бўлади. Ўқувчиларимизда ушбу кенгашда балким оламшумул масалалар кўриб чиқилгандир, деган иштибоҳ уйғонмаслиги учун муҳокамалар моҳиятини айтиб ўтамиз. Булар, фуқароларнинг чегарадан ўтишини осонлаштириш (Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида визасиз эркин ҳаракат мавжудки, кўрилган масаланинг қиммати қанчалик эканлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди), кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, фуқароликка қабул қилишни осонлаштириш — бор йўғи шу. Савол туғилади: хўш, шу масалаларни МДҲ доирасида ҳал қилиш мумкин эмасми? Албатта мумкин. Лекин бундай «иттифоқ»лардан кўзланган мақсад бошқа ёқда-да.

Анъанага кўра ўз муносабатларини «иттифоқ» даражасига кўтарган Россия ва Беларусь давлатлари бошлиқлари учрашувларни бошлаб беришади. Сўнг бу даврага божхона «иттифоқчилари» қўшилишади. Шу ўринда Россия-Беларусь иттифоқи мавжуд муаммолар ечимидан кўра, кўплаб қўшимча муаммолар туғдираётганлиги Россия оммавий ахборот воситаларининг етакчи мавзуларидан бири бўлиб қолаётганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Маълумки «тўртлик» дастлаб иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, ягона божхона тарифларини белгилаш, умуман мазкур мамлакатлар чегарасида божхона тўловларини бекор қилиш ва божхона иттифоқини вужудга келтириш ғояси атрофида тузилган эди. Кейинчалик «тўртлик» баҳонасида Ҳамдўстликнинг бошқа давлатларига баъзи сиёсий масалаларни тиқиштиришга уриниш бўлди. Ҳатто божхона қулайликлари ниқоби остида вужудга келган «тўртлик»ни «иттифоқ» давлатлари даражасига кўтариш керак, деган гаплар ҳам қулоққа чалина бошлади. Хўш, умуман шундай «тўртликка» зарурат бормиди? Ахир, МДҲ доирасида шу пайтгача имзоланган юзлаб ҳужжатларнинг аксарияти божхона ҳақида, унинг тизимини тартибга солиш хусусида эдику! Айни шу ўринда «тўртлик» божхона масаласида эмас, бошқа, узоқни кўзловчи, ниҳоятда нозик сиёсий мақсадларни кўзлаб тузилмаганмикин, деб ўйлаб қоласиз. Ниятлар холис ва самимий бўлганда «тўртлик» теграсида имзоланган ҳужжатлар аллақачон амалий самарасини берган бўлур эди-да. Ҳали бирор бир соҳада кутилган натижаларга ёки ижобий силжишларга эришилмаганлигини кузатувчилар ҳам, иштирокчилар ҳам афсус билан қайд этишди.

Россия оммавий ахборот воситалари, мазкур учрашувни шарҳлар эканлар, Беларусь Президенти А.Лукашенкога алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу эътиборнинг моҳияти қуйидагича: журналистлар А.Лукашенкони 1991 йил парламент аъзоси сифатида СССРни тарқаб кетиши ва МДҲ тузилишига қарши овоз берган, 1993 йил Россия парламентида сўзга чиқиб, янги иттифоқни шакллантириш ғоясини илк бор илгари сурган инсон сифатида оммага таништиришга уринмоқдалар. Бир йилга яқин Россия жамоат телевидениеси мухбири Павел Шереметни қатоғон қилишда айланиб «салбий» қаҳрамон тусини олган А.Лукашенкони бир кунда «янги иттифоқ» раҳнамоси даражасига кўтариб қўйиш учун телевидение тасвирлари ортида ҳазилакам кучлар турмаганлигини сезиш қийин эмас.

Россиялик ҳамкасбларимиз Россия-Беларусь иттифоқи тузилгандан сўнг, Россия иқтисодиётига етаётган зарарни хомчўт қилиб, ҳисобнинг охирига ета олмаган эдилар. Яна шу мамлакатнинг етакчи иқтисодчию сиёсатдонлари бундай «иттифоқ» икки мамлакат халқлари учун ҳеч қандай иқтисодий енгиллик ёки манфаат бермаслигини қайта-қайта уқтирмоқдалар. Аксинча Беларусьда ислоҳотлар жараёни орқага кетиб, халқнинг турмуш даражаси оғирлашаётгани ҳақидаги хабарларни тез-тез ўқийдиган бўлиб қолдик.

Ўтган сафарги йиғинда «тўртлик»нинг тўртта муаммоси бошқа кўплаб муаммолардан яққол ажралиб қолган эди: Россия-Беларусь ўртасидаги «иттифоқ» даражасидаги муносабатлар Қозоғистон ва Қирғизистон билан ўрнатилмаганлиги, божхона тизимидаги муаммолар сақланиб қолганлиги, мамлакатлар молия-кредит, иқтисодий тараққиётнинг турли поғоналарида турганлиги ва Қозоғистон Президенти илгари сурган ягона иқтисодий макон барпо этиш лойиҳаси қабул қилинмаганлиги. Албатта булар «тўртлик» иштирокчилари дуч келаётган муаммолар ичидан жамоатчиликка ошкор қилинганлари холос. Божхона иттифоқининг кечаги йиғилишида бу даврага ўзининг кўплаб муаммолари билан Тожикистон ҳам қўшилди.

Ўзбекистон Республикасининг бундай «иккилигу» «тўртлик»ларга нисбатан муносабатини Президентимиз аниқ ва қатъий баён қилганлар: Ўзбекистон ўзи танлаб олган йўлдан ҳеч қачон орқага қайтмайди. Бу мустақиллик, муносабатларда тенглик ва манфаатли ҳамкорлик йўлидир. Интеграцияни чуқурлаштириш лозим ва буни МДҲ доирасида амалга ошириш керак. Мустақил давлатлар устидан яна аллақандай «тузилма»лар тузиш, ўз халқининг ташвишлари қолиб, ўзгаларга «енг» бўлишга ҳаракат қилиш, гоҳ «миссионер», гоҳ «интегратор»лик либосини кийиб, бошқаларни амалий ишлардан чалғитишнинг ҳожати йўқ. Ўзбекистон миллий давлатчилик принципларига хилоф равишда, давлатлар устидан тузиладиган сиёсий ташкилотларга қўшилмаслигини қатъий билдирган.

Мақолага нуқта қўйишдан олдин «тўртлик» раҳбарларининг ўтган сафарги учрашувидан ОРТ мухбирлари тайёрлаган репортаждаги бир воқеа ёдимга тушди: Б.Ельцин, А.Лукашенко, А.Акаев Кремлнинг муҳташам залларидан бирида Н.Назарбоевни кутишаяпти. Улар дам-бадам соатларига қараб қўйишмоқда. Борис Николаевич ҳамкасбларига яна бир минут кутиш лозимлигини уқтиради, яна бир оз кутишганидан сўнг А.Лукашенко асабий бетоқатланиб «етар энди», дейиши билан учрашувнинг тўртинчи вакили пайдо бўлди. «Абадий иттифоқ» тузиш ғояси билан ёнаётган А.Лукашенко худди шу масаладаги ҳамкорини бир минут кутишга ҳам сабри етмаганлигини ҳисобга олсак, «тўртлик»нинг, эндиликда эса «бешлик»нинг умрини йиллар эмас, арзимас лаҳзалар ҳал қилади, чоғи.

**Жалолиддин САФОЕВ.**

*Ўзбекистон машинасозлик ва кон-металлургия саноати ходимлари касаба уюшмасининг таъсис қурултойи*

## КУЧЛАР БИРЛАШТИРИЛДИ

Касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда маҳаллий ҳуқуқий ҳужжат сифатида жамоа шартномалари ва битимларига биринчи даражали аҳамиятга молик деб қараб, тармоқда мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан катта ташкилий ишларни амалга оширди. Касаба уюшма Марказий қўмитаси идораси ходимлари томонидан жамоа шартномалари тузилиши, мазмуни, қабул қилиш тартиби ва ижросини текшириб бориш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқилди. Бу масалалар ҳар йили касаба уюшма Марказий қўмитаси раёсати, касаба уюшма қўмиталари раислари кенгашларида, Тошкент шаҳар касаба уюшма қўмитасида муҳокама қилинди.

1998 йил Давлат Дастури тадбирида республика касаба уюшмаларига оила манфаатларини таъминлаш борасида оилавий дам олишни ташкил этиш, болаларни соғломлаштириш, корхоналар ва турар-жойларда жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва маданий-оммавий ишларни ривожлантириш юзасидан топшириқлар берилган. Бу тадбирларни бажариш учун мавжуд маданият ва спорт базаларидан унумли фойдаланиш билан бирга бор бўлган барча маданий муассасалар ва спорт иншоотлари моддий-техник базасини тиклашимиз, шунингдек, ўзини ҳаётда оқлаган усул- ҳашар йўли билан оддий спорт объектларини қуриши керак.

Касаба уюшмалари амалий фаолиятида болалар ёзги соғломлаштиришини ташкил этиш муҳим ўрин тутади.

Ҳар йили тармоқдаги 20 та болаларни соғломлаштириш оромгоҳида 23 минг шу жумладан, экологик ноқулай ҳудуд - Оролбўйидан келган мингга яқин ўғил-қиз хордиқ чиқаради. Ана шу мақсадларга касаба уюшма бюджети маблағларининг 30 фоизи сарфланади.

«Соғлом авлод учун» дастури ва 1998 йил оила манфаатлари йили Давлат дастури болаларни соғломлаштиришни йилдан-йилга мунтазам кўпайтириб боришни кўзда тутади. Аввалги йиллар тажрибаси эса бу ишни ижобий ҳал этиш имкониятлари борлигини кўрсатиб турибди. Бунинг учун болаларни соғломлаштириш оромгоҳларининг имкониятларидан тўла фойдаланиш ва Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятининг айрим оромгоҳларида қилингани дек икки навбатда эмас, ёз фаслида тўла яъни дам олишни уч навбатда ташкил этмоқ даркор. Тошкентдаги «Алгоритм» ва «Технолог» корхоналари илғор тажрибалари йўлидан бориб, куз, қиш ва баҳорги таътилларда ҳам болаларни соғломлаштириш мақсадга мувофиқ.

Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришда шикастланишнинг олдини олиш масалалари - касаба уюшма ишида энг муҳим йўналишлардан биридир.

Ҳисобот даврида бу борада касаба уюшма Марказий қўмитаси иш услубида ўзига хос томони шунда бўлдики, энди оёққа турган ассоциациялар, холдинг компаниялари билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси бўйича тармоқ бошқарув тизими яратилди.

**(Давоми 2-бетда).**

